

(1775-1825)

(1806-1825)

Хива хони. Кўнгиротлар сулоласидан. Тўлик исми Мухаммад Рахимхон ибн Аваз инок ибн Мухаммад Амин инок. Акаси Элтузархон вафотидан кейин тахтга ўтирган (1806-йил). Мухаммад Рахимхон И Хива хонлигини бирлаштиришда ижобий натижаларга эришган; бир канча сиёсий, иктисодий, маъмурий ислохотлар ўтказган. Хон саройи қошида доимий фаолият кўрсатувчи Кенгаш (Девон) таъсис этилган. Мухаммад Рахимхон И мамлакатни кенгайтириш учун туркман – човдурлар устига юриш қилган (1808-1809-йиллар). Шу йили Хасанбой элини бўйсундириб Кўнгиротга хужум қилган, бироқ у ерда каттик қаршиликка учраган. Оймирза ҳукмронлик қилаётган қорақалпоқларнинг бир қисмини Оқ ёшқ деган мавзегга қўчирган. Мухаммад Рахимхон И Орол бўйи қорақалпоқларини бўйсундириш учун бир неча марта юриш қилиб, 1811-йилда Тўрамурад сўфини енгиб хонликни мустахкамлаган. 1812-1818-йиллар давомида Сирдарё бўйи козоқлари ва Марвдаги така туркманлар устига юриш қилиб, уларни хонликка қўшиб олган. Бу ғалабалар Хива хонлигининг мавқеини мустахкамлаб, уни мустақил қудратли давлатга айлантирган. 1822-йилда Марв устидан ҳукмронлигини ўрнатди. 1823-1824-йилларда Бухоро амирлигига тегишли Қоқиштивон, Оғор ва Қойкенд қалъаларига талончилик юришларини қилган. Бухоро амири Ҳайдар билан сулҳ тузган (1825-йил).

Мухаммад Рахимхон И даврида Дашти Қипчоқ, Хуросон Хива хонлигига солиқ тўлаб турган. Хонлик ҳудуди жанубда Хуросон, Шимолда Орол денгизи ва Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ерлар, шарқда Бухоро амирлигига туташ ҳудудлар, ғарбда Каспий денгизи қирғоқларигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Мухаммад Рахимхон И ўзи қурдирган Пахлавон Маҳмуд макбарасидаги катта хонақоҳнинг тўрига дафн этилган. Мухаммад Рахимхон И араб, форс тилларини билган. Илм аҳлига ҳомийлик қилган. Олим, шоир ва донишмандлар билан суҳбатлар ўтказиб турган. Мунисга Элтузархон даврида бошланган “Фирдавс-ул-икбол” асарини давом эттиришга шароит яратиб берган. 1813-йилда Мунисга “Равзат-ус-сафо” асарини таржимасини топширган. Мамлакатда бир канча каналлар қаздириб ободонлаштирисга эътибор берган. Арқда зарбхона ташкил қилиб олтин ва қумуш тангалар чиқарган. Мухаммад Рахимхон И даврида ичкилик ва бангилик тақиқланган. Пахлавон Маҳмуд макбараси қайта қурилган. Хивада бир канча мадраса ва масжидлар қурилган. Божхона ва бошқа муассасалар ишга тушган.